2

2016 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 238 (13.301)

Баҳоси эркин нархда

Пойтахтимиздаги "Кўргазма савдо маркази" мажмуасида "Кичик бизнес ускуналари ва маҳсулотлари" халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.





ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА МАҲСУЛОТЛАР

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси ва "Expocontact" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма ўз бизнес фаолиятини эндигина бошлаётган тадбиркорларга кўмак кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнес вакиллари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларни намойиш қилиш, уларга асбоб-ускуналар ва технологиялар танлашда кенг имконият яратиш ҳамда ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш мақсадида ўтказилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Назира Дадахонова, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Ли Цзе ва бошқалар Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида изчил тадбирлар амалга оширилаётганини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозорларимиз тўкинлигини таъминлаш, миллий маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатимизда хорижий давлатлар корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган, янги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ва экспорт кўлами кенгайиб бораётган кичик бизнес субъектлари сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Бунда, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳамда мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида ўтказилаётган халқаро кўргазмалар муҳим аҳамият касб этади.

Кўргазмада хорижлик тадбиркорлар, жумладан, Хитойнинг 40 дан зиёд компанияси ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Улар томонидан кичик бизнес субъектлари учун ускуна ва жиҳозлар, мебель, тўқимачилик саноати товарлари, қурилиш материаллари, электр жиҳозлар ва бошқа маҳсулотлар таклиф қилинмоқда. Янги инновацион ишланмалар, ресурс тежовчи минитехнологиялар, қўёш панеллари, телефонни қувватлантирадиган қурилмалар тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Кўргазмада ўз маҳсулотларимизни намойиш этиш билан бирга Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар билан ҳам танишиш имконига эга бўлмоқдамиз, – дейди "Fayzizoda foods" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қаҳрамон Файзиев. – Бугунги кунда корхонамизда уч турдаги картошкали чипслар ишлаб чиқарилади. Асосий мақсадимиз маҳсулот турини кўпайтириш. Бугунги тадбир эса бунда бизга қўл келмоқда. Янги технологияларни кўздан кечирмоқдамиз ва кўплаб ҳамкорлар билан келишувга эришмоқдамиз.

Айтиш жоизки, иштирокчи компаниялар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ҳамда сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш мақсадида янги ҳамкорлар топиш, замонавий технологияларни харид қилиш, тажриба алмашиш ва узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартномалар имзолашни мақсад қилган. Кўргазмада бир қатор шартномалар тузилиб, ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Кўргазма доирасида Тошкент, Фарғона, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг асаларичилари ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳунармандлари ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар. Шунингдек, давра суҳбатлари, тақдимотлар, маҳорат сабоқлари ва амалий музокаралар ташкил этилди.

Абдували СОДИҚОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

4 декабрь – сайлов куни

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2016 йил 8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш миссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда.

Жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг кўзи ожиз фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун Брайль алифбосида сайлов бюллетенларини тайёрлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтказилмоқда. Амалдаги қонунларга биноан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сайлов кампаниясида халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маълумки, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссиясининг элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги асосий гуруҳи сайлов жараёнини кузатиш бўйича ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Мажлисда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссиясининг мамлакатимизга шу йилнинг 6-7 ноябрь кунлари ташриф буюрган 20 нафар узоқ муддатли кузатувчисини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Юртимизда Маҳтумқули ғазаллари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Худди шундай, Туркманистонда Алишер Навоийни танимас киши топилмайди. Бу тил, урф-одат ва анъаналаримиз ўхшашлиги, тарих, маданият ва қадриятлардаги муштараклик туфайлидир. Ўзбек-туркман халқлари ўртасидаги ришталар ҳамиша дўстона, самимий, барқарор...

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАНИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистонда Туркманистон маданияти кунлари бошланди. Шу муносабат билан Туркманистон маданият вазири ўринбосари А.Шомуродов раҳбарлигида бир гуруҳ санъат ва маданият намояндалари мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

– Фестивалдан кўзланган асосий мақсад, халқларимиз ўртасидаги адабий, мусиқий, маданий ҳамкорликни, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишдан иборат, – дейди А.Шомуродов. – Бу тадбир азалдан туташ дўстлик йўлларимизни янада кенгайтиришдан мамнунмиз.

"Дўстлик ва биродарлик йўлларимиз кенгайсин!". Бу – нафақат халқларимиз кўнглидаги хитоб, балки Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида бўлиб ўтган Туркманистон маданияти кунлари очилиш маросимининг номи ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов, Туркманистон маданият ишлари вазири ўринбосари А.Шомуродов ва бошқалар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик алоқалари барқарор ривож топаётгани, бунда маданий соҳадаги ришталар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Адабий-мусиқий тадбирда томошабинлар туркманистонлик қардошларимизнинг бой мусиқий мероси намуналаридан баҳраманд бўлди.

Концерт "Деҳистон" рақс ансамблининг миллий рақс дастури билан бошланди. Туркманистон халқ артистлари Парахат Шихимов, Какадурди Тожимов, Какагелди Чориев, Шагули Аллабердиев ва Ажагул Аннанова ижросидаги туркман миллий куй-қўшиқлари ўзбек тингловчиларига манзур бўлди. Концертда "Соҳибжамол", "Маралим", "Сумбар куйи" каби туркман халқ қўшиқлари, "Гўрўғли", "Тоҳир ва Зуҳра" достонларидан парчалар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Туркманистон маданияти ва санъати усталари иштирокидаги гала-концерт "Қадрдон қардош" қўшиғи билан якунланди. Туркман миллий куй-қўшиқлари ҳамюртларимизга хушкайфият бағишлади.

– Ўзбек халқи – менинг акам, укам, синглим, қариндошим, – дейди Туркманистон халқ артисти, бахши Парахат Шихимов. – Бизнинг санъатимиз, фольклоримизда ҳам шундай яқинлик бор. Концертда куйланган "Гўрўғли", "Тоҳир ва Зуҳра" достонларидан парчаларнинг ўзбек санъат ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олиниши ана ўша яқинлик, биродарлик нишонасидир.

– Туркманистонда ўзбек адабиёти севиб ўқилади, – дейди "Дунё адабиёти" журнали масъул котиби Екатерина Гелдимуродова. – Муштарийларимиз талабига кўра шу йил журналимизда Миркарим Осимнинг "Темур Малик" асарини чоп этдик. Фестиваль натижасида ўзбек-туркман ёзувчи ва шоирларининг адабий ришталари мустаҳкамланиши, икки халқ адабиётидан қилинаётган таржима асарларнинг кўлами ва сифати ортишидан умидвормиз.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Туркманистон делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Фестиваль давомида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида туркманистонлик мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста-ҳунармандларнинг ижод намуналари кўргазмаси, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада икки мамлакат шоир ва ёзувчиларининг ижодий учрашувлари, Алишер Навоий номидаги кино саройида туркман кинофильмлари намойиши ташкил этилади.

Туркманистон делегацияси Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари – Темурийлар тарихи давлат музейи ва "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи билан танишиши, "Ҳазрати Имом" мажмуасини зиёрат қилиши кўзда тутилган.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзА мухбири

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу сайловнинг мамлакатимиз ҳаёти ва тараққиётидаги аҳамияти, миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар, сайловга кўрилаётган тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашди.

– Мустақиллигимиз асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг бевақт вафоти барчамиз, бутун халқимиз учун оғир жудолик бўлди, – дейди М.Абдусаломов. – Юртбошимиз мамлакатимиз деярли жар ёқасига келиб қолган, оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар жамиятда кескин норозилик кайфиятини туғдирган мураккаб ва таҳликали бир пайтда республика раҳбари этиб сайланган эди. Буюк Йўлбошчимиз ўзининг оқил ва доно сиёсати, узоқни кўра олиши, ҳар бир муаммо ва масаланинг ечими устида чуқур ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесиши натижасида нафақат ўша даврда вужудга келган вазиятнинг янада чуқурлашиб, олов олиб кетишининг олдини олишга эришди, балки Ватанимиз истиқлолини эълон қилиб, уни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистон ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқ фаровонлигини, унинг ҳаёт сифатини ва даражасини муттасил ошириб бориш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида оламшумул ютуқларга эришди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода "Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш – демократик сайловларнинг муҳим омили сифатида" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Марказий сайлов комиссияси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 3-Бухоро округ сайлов комиссияси аъзолари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, миллий маданият марказлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

• Нукусда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан депутатлик назоратининг натижалари: ютуқлар, муаммолар ва галдаги вазифалар" мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

• Гулистон шаҳридаги умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шаҳардаги 5 умумтаълим мактаби ҳамда 2 мактабгача таълим муассасаси жорий таъмирланди, тизимдаги 17 буғ қозони янгисига алмаштирилди.

• Жиззах вилоятида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 486 миллиард 881,3 миллион сўм сарфланди. Давлат дастури ижросини таъминлашда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бўлғуси оналар саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Хитой парламенти киберхавфсизликка доир янги қонун лойиҳасини маъқуллади. У кучга киргач, ҳуқуқ-тартибот идораларига мамлакат ахборот инфратузилмаларида қўпорувчилик қилишда гумон қилинган хорижий шахс ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларини музлатиб қўйишга имкон беради. Бундан ташқари, мазкур қонун ахборот технологиялари соҳасини ҳимоя қилишга қаратилгани билан ҳам эътиборга сазовордир.

• АҚШнинг Флорида штатидаги Атлантика университети олимлари тиш пастасининг инсон саломатлигига таъсирига оид янги жиҳатларни аниқлашди. Маълумотларга қараганда, тиш пастаси инсон организмидаги ялиғланиш билан боғлиқ барча жараёнларни, ҳатто юрак хуружи ва инсультни тўхтата оларкан.

• "Sleeping in Airports" портали дунёнинг энг яхши аэропортини аниқлаш мақсадида турли мамлакатлар сайёҳлари ўртасида сўровнома ўтказди. Унинг натижаларига кўра, Сингапурнинг Чанги аэропорти ғолиб чиқди. Ғолибни аниқлашда сайёҳлар аэропортнинг дам олиш ҳудудидаги қулайликлар, хизмат кўрсатиш даражаси, кўнгилочар иншоотлари ва овқатланиш жойларининг мавжудлиги, шунингдек, хавфсизлик ва тозалик каби жиҳатларга эътибор қаратди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ – ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларининг ҳуқуқий асосини белгилаб берган кўплаб қонун ҳужжатларининг ташаббускори ва ижодкори бўлди. Ўзбекистонда демократик тамойилларга тўлиқ жавоб берадиган миллий сайлов тизими ва қонунчилиги яратилгани ҳам бевосита Биринчи Президентимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. Бу ҳақда гапирганда, аксарият хорижлик мустақил экспертлар бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир, деган фикрда эканини айтиб ўтиш ўринлидир.

Мамлакатимизда яратилган ана шундай демократик сайлов қонунчилиги парламент, Президент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96- ва 117-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади ва 9 сентябрдан сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда давлат бошқарувида президентлик институти асосий ўрин тутади. Мамлакатимиз ҳали собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврда Ислом Каримов асос солган бу институт мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадам эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин президентлик институти ўзининг том маънодаги мазмун-моҳиятига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, Президент давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолатидир.

Мустақил Ўзбекистон тарихининг ҳозирги даврида олдимизда ниҳоятда масъулиятли вазифа турибди. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини изчил юксалтириб бориш, Ватанимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши йўлидаги эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш бўйича стратегик ва устувор вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Шу маънода жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Президент сайлови мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир ҳисобланади.

Мазкур сайловга ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошкора ва адолатли ўтказиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган.

– Президент сайловини демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказишни кафолатлайдиган ҳуқуқий асослар тўғрисида кенгроқ маълумот берсангиз.

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий сайлов тизимининг фаолият юритиши ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Конституцияда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида Президент сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар яратилди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партиялар ва номзодларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Миллий қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари ҳақидаги меъёр мустаҳкамлаб қўйилгани сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир.

– Сайлов қонунчилигига кейинги йилларда киритилган ўзгартишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Мамлакатимизда тўпланган демократик сайловлар ўтказиш тажрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳисобга олган ҳолда сайлов қонунчилиги изчил такомиллаштирилмоқда. Айтиб ўтиш керакки, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ҳамда 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ўзгаришлар ўз самарасини бераётганини кўрсатди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга оширишга оид меъёрлар киритилди. Бу сайловолди ташвиқотини ўтказишда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш имконини берди.

2015 йилда ўтказилган Президент сайловидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг такомиллаштирилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қонунда сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишида енгиллик берилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари жами сайловчиларнинг умумий сони камида бир фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намоянда бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Илгари бу кўрсаткич беш фоиз эди.

Овоз бериш тартибига оид қоидаларнинг такомиллаштирилгани сайловларни янада либераллаштириш, уларнинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил билдириши учун янада қулай шарт-шароит яратди.

Тараққий этган давлатлар қонунчилигида мавжуд бўлган сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганда сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслигига доир норма ҳам қонунчилигимизга киритилди. Бу сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча имконият яратади. Бу овоз бериш куни арафасида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонунбузилишларининг олдини олади.

Сайлов куни айрим фуқаролар меҳнат таътили, хизмат сафари ёки ўқув фаолиятининг тартиби, давлат ва жамоат мажбуриятларини бажариш, саломатлиги билан боғлиқ узрли сабабларга кўра ўз уйларида бўлмасликлари мумкин. Бунда сайловчининг бошқа маъмурий ҳудудга кетаётганлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Бу жараён “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддасида ўз ифодасини топган. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда бошланади ва сайловга бир кун қолганда тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланиб, сайловчилар, кузатувчилар ҳамда ОАВ вакилларининг эътиборига етказилади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга киритилган эди. Бу амалиёт Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов вақтида, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси қарорига асосан 2015 йилда бўлиб ўтган Президент сайловида муваффақиятли синаб кўрилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида қамоқда сақлаш жойларида суд ҳукми чиқарилмаган шахсларнинг овоз бериши учун имконият яратилди.

Сайлов қонунчилигидаги сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссиясининг ўндан зиёд низом ва йўриқномаси қайта кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, номзодлар кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаб тўпланган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиб-таомили, сайловолди ташвиқоти ҳамда сайлов кампанияси молиялаштириши, шикоят ва аризалар кўриб чиқилиши, шунингдек, кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларига оид масалаларни тартибга соладиган ҳужжатлар янгиланганди. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунларда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан бўлган кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши ҳақидаги норма мустаҳкамланди.

– Сайловга тайёргарлик ишлари қандай кетмоқда?

– Барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган тадбирлар тегишли қонунлар ҳамда қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури асосида олиб борилмоқда. Сайлов кампаниясини юксак демократик даражада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали фаолият кўрсатиши, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи тузилди, округ сайлов комиссиялари томонидан 9 минг 378 сайлов участкаси ташкил этилди. Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Участка сайлов комиссиялари таркиби шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг 56 нафари хотин-қизлардир, уларнинг 12 нафари сайлов комиссияларининг раҳбариятидан жой эгаллаган. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Сайлов округлари ва участкалари барча шарт-шароитларга эга замонавий бинолларда жойлаштирилиб, транспорт, ахборот-коммуникация ва алоқа воситалари, шу жумладан, интернетга уланиш имкониятлари билан таъминланмоқда.

Жисмоний имкониятлари чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар бир сайлов участкаси ногиронларнинг аравачалари бемалол бинога киришини назарда тутадиган алоҳида пандус билан жиҳозланмоқда. Бундан ташқари, кабиналарнинг бири ногиронларнинг овоз бериши учун мўлжалланмоқда. Кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов мавзуси бўйича турли рисолалар тайёрланмоқда, илк марта улар учун мўлжалланган сайлов бюллетенларини тайёрлаш режалаштирилган. Буларнинг барчаси имконияти чекланган шахслар жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Маълумки, участка сайлов комиссиялари фаолиятини тўғри ташкил этиш сайлов кампаниясини қонун асосида олиб боришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис бу жиҳатга янада катта масъулият билан ёндашилмоқда, сайлов участкаларини тайёрлаш, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга қаратилган уч босқичли семинар-тренинглар дастури ишлаб чиқилди. Мамлакат, вилоят ва туманлар миқёсида ташкил этилаётган мазкур тадбирларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича экспертлар ҳам бевосита иштирок этиб, участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш сингари долзарб масалалар бўйича участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакалари оширилмоқда.

Бугунги кунда сайлов участкалари фуқароларимизнинг нафақат ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, балки номзодлар сайловолди дастурлари ва таржимаи ҳоллари билан танишиши учун сиёсий-маърифий марказга айланган. Бу ерда сайловчи сайловга оид ҳар қандай маълумотни олиши мумкин.

Миллий сайлов амалиётимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди.

Дастур фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун, сўнгги йилларда унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов масалаларини тартибга солувчи қарорларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишларини олиб боришни назарда тутади.

Тарғибот тадбирлари давра суҳбати, семинар, учрашув, бевосита мулоқот, конференция, тренинг шаклида, оммавий ахборот воситалари орқали мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилиш, турли рисола, флаер ва бошқа тарғибот материалларини тайёрлаш орқали амалга оширилмоқда.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар доирасида аҳолининг барча қатлами, хориждаги юртдошларимиз қамраб олинмоқда. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика Байналмилал маданият маркази, фуқаролик жамияти институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини янада ошириш мақсадида турли акциялар ўтказмоқда.

Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирларида оилавий овоз беришнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жойларда сайловчилар, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида семинарлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга мазкур мавзуда 100 минг нусхада ташвиқот плакатлари чоп этилиб, уларни одамлар гавжум масканларда жойлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан бирга муддатидан олдин овоз бериш, овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартибига бағишланган роликлар тайёрланмоқда.

– Сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири бўлган сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Ушбу жараён ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Сайловолди ташвиқоти сайлов кампаниясида ғоят муҳим ўрин тутади. Бу жараёнга барча демократик давлатлар, жумладан, мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ташвиқот номзодларга сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништириш имконини беради. 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун сайловга оид қонунчиликни такомиллаштириш ишларининг мантиқий давоми бўлди. Мазкур Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг турлари, шакллари ва усуллари, оммавий ахборот воситалари орқали ташвиқот олиб бориш, ОАВ орқали тарқатиладиган ахборотга қўйиладиган, масалан, унинг ҳаққонийлиги, Президентликка номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслигига доир талаблар батафсил баён этилди.

Қонунда босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида албатта кўрсатилиши лозим бўлган адад, босиб чиқарилган сана каби маълумотлар рўйхати ўз аксини топган. Бино, иншоотлар ва бошқа жойларда жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайлов кунидан бир кун аввал маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб ташланиши белгиланди.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти юритиш, Президентликка номзодлар учун тенг шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Президентликка номзодларга сайловчилар билан учрашув ўтказиш учун тегишли равишда жиҳозланган хоналар ажратиши, керакли маълумот ва ахборот материалларини олишига кўмаклашиши шартлиги белгиланди.

Бугунги кунда сайлов кампанияси, шу жумладан, сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёнлари мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” теле ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Миллий телерадиокомпаниянинг 12 ҳудудий телеканалида 206 дақиқадан, “Тошкент” телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилди. “Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида 6 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилмоқда. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади.

Турли миллат вакиллари бўлган фуқароларга сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тожик тилидаги “Овози тожик”, “Овози Самарқанд”, қозоқ тилидаги “Нурли жол” газеталари нашр майдонидан бепул фойдаланади. Умуман олганда, сайлов кампанияси жараёнлари ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги ОАВларда 17 тилда чоп этилмоқда. Бундан ташқари, корейс тилидаги “Корё Синмун”, “Тхонил-Единство”, арман тилидаги “Апага” каби нашрлар ҳам ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз муштарийларини ушбу жараёнлар тўғрисида бохабар қилишлари диққатга сазовордир.

Номзодларнинг ҳар бири мамлакатимиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситасидан, яъни махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланадилар. Республикамиздаги 36 электрон мониторда ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, усуллари ва мазмунини мустақил белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароит яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин.

Бугунги кунда номзодлар сайловолди ташвиқоти тадбирларини фаол олиб бормоқда, бу жараёнда уларга ишончли вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда.

Округ сайлов комиссиялари тенглик тамойилига риоя қилинишини қаттиқ назорат қилмоқда.

Жойларда қонунчилик талаблари қай даражада таъминланаётгани мониторинг қилинмоқда ва бу борада Марказий сайлов комиссиясига кунлик ахборот берилмоқда.

– Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш учун сайлов комиссиялари қандай чора-тадбирларни кўрмоқда?

– Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказилади. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти билан таништириб боради. Сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва уларнинг иш вақти ҳақида маълум қилади. Сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Президент сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон”, “Uzreport” ахборот агентликлари, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида икки томонлама битимлар имзоланди.

Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, шунингдек, округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай матбуот марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг барча қарорлари, низом ва йўриқномалари қабул қилинган кунниг ўзидаёқ комиссиянинг www.elections.uz манзили бўйича расмий веб-сайтига ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилаётгани, шунингдек, сайлов кампанияси билан боғлиқ маълумотлар, янгиликлар, матбуотда ва ахборот агентликларининг веб-сайтларида долзарб мавзуга оид эълон қилинган мақолалар, фото- ва видеоматериаллар, эфирга узатилган интервью ва кўрсатувлар, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ва уларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган роликлар, чоп этилган сайлов мавзусига оид рисолалар сайтнинг тегишли бўлимларида акс этгани сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги таъминланаётганлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Марказий сайлов комиссияси дастурига мувофиқ округ ва участка сайлов комиссиялари, шунингдек, хотин-қизлар, ёшлар, нуронийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, журналистлар учун мавзуга оид семинарлар ўтказилмоқда. Бу миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишлар, сайлов комиссияларининг низом ва йўриқномалари янада такомиллаштирилгани юқори баҳоланган, Ўзбекистон сайловни халқаро стандартларга мувофиқ ўтказишга тайёр экани эътироф этилган ҳолда сайловни кузатиш бўйича тўлақонли миссия юбориш ҳақида маълум қилинган.

Миссия асосий гуруҳ билан бирга 20 нафар узоқ муддатли кузатувчи, овоз бериш куни сайлов участкаларида кузатувни амалга оширадиган 250 нафар қисқа муддатли кузатувчидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, Ватанимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайлов барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги ва пировардида сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқдир.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

4 декабрь – сайлов куни

Республикамизда шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қизғин бормоқда. Айни пайтда сайлов кампаниясининг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.





И.Исмоилов олган суратлар

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Учрашувлар давомида номзодларнинг сайловолди дастуридаги муҳим устувор вазифалар, ахборот ҳамда ташқи сиёсат соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилган долзарб масалалар борасида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Куни кеча Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг ишончли вакили — Тошкент давлат юридик университети профессори Феруза Муҳиддинова билан учрашув жонли мулоқот ва қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтди.

Тадбирда ташкилот, корхона, муассасалар ходимлари, институт профессор-ўқитувчи ва талабалари, таълим муассасалари ўқитувчилари, маҳалла фуқаролари, нуронийлар, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Д.Баратов сайловлар жамиятнинг демократик қиёфасини кўрсатиш билан бирга халқнинг ҳуқуқий онгу тафаккурини намоён этадиган муҳим сиёсий воқеа эканлиги, у ҳар бир фуқаро Ватан тақдири, келажагига нечоғли масъул эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ходими Л.Муҳиддинова номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб ўтди.

Шундан сўнг, ишончли вакил Ф.Муҳиддинова номзоднинг сайловолди дастури юзасидан йиғилганларга батафсил маълумот берди. Жумладан, сайловолди дастурида миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш сифати даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича Давлат дастурлари қабул қилиш ҳамда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби масалалар белгиланганлиги алоҳида эътироф этилди.

Дастурда ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш муҳим масала сифатида белгиланган.

Ўзбекистон бугунги кунда мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимга эга замонавий давлат сифатида дадил ривожланиш йўлидан бормоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди. Халқимиз қалби, онгу тафаккурида фуқаролик ҳисси ва масъулияти ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар яратилди.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг мақсади – миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, халқимизнинг фаровонлиги ошишига эришиш, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш, ёшларнинг саломатлигини асраш давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда. Бу борада номзодимиз илгари сураётган қатор мақсад-вазифалар ҳаётийлиги ва самарадорлиги билан эътиборга молик, деди жумладан ишончли вакил. Миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида ўсмирларга соғлиқ учун зарарли бўлган энергетик ичимликларни сотишни тақиқлаш ва бу борада маърифий-тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйиш борасидаги вазифаларнинг қўллаб-қувватланиши фикримиз далилидир.

Маълумки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг барчаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, қўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айни пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштиришни, сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш лозим.

Бизнинг асосий ғоямиз эса — Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, халқимиз фаровонлигини ва мамлакатимизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига бор куч-қудратимизни бағишлаш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир. Биз учун ягона ва устувор мақсад, бу – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир, деб таъкидлади ишончли вакил.

Учрашувда номзоднинг дастури сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбатининг жонли мулоқот, савол-жавоб тарзида ташкил этилиши сайловчиларнинг Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод С.Отамуратовнинг сайловолди Дастури бўйича батафсил маълумотга эга бўлиш имконини берди.

Тадбирда номзоднинг ишончли вакили ва сўзга чиққанлар сайловчиларни Президентликка номзод Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Яккасарой тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 8-сон, 73-модда), "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йил 24 февралдаги ПҚ-2498-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2016 й., 9-сон, 85-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 й., 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда, 2010 й., 13-сон, 96-модда, 2011 й., 1-2-сон, 4-модда, 2012 й., 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 27 сентябрдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 119 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1197 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод килинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Яккасарой туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш Яккасарой туман маркази (Ш.Абдуллаева):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Яккасарой туман ҳокимининг ўринбосари Н.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Яккасарой тумани ҳокими
С.Махаметов

2016 йил 2 ноябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Тошкент Молия институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛМОҚДА

Юнусобод туманидаги участка сайлов комиссиялари раислари, раис ўринбосарлари, котиблари ҳамда комиссия аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, сайлов участкаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда сўзга чиққан 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов ва бошқалар мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён – Президент сайловига очиқ, шаффофлик ва демократик тамойиллар асосида тайёргарлик кўрилаётгани, бунда албатта, миллий қонунчилигимиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир аввалида сайлов жараёнига бағишланган видеоролик намойиш этилди. Сўнг иштирокчилар 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси эксперти, Тошкент давлат юридик университети катта илмий ходими Мирғолиб Нурматовнинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асослари", 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси эксперти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси мутахассиси Камол Тагаевнинг "Сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари: миллий тажриба", 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси эксперти, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Тўлқинбек Исмоиловнинг "Халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби" ва шу каби бошқа мавзулардаги маърузаларни тинглашди. Шунингдек, тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида муддатидан олдин овоз бериш жараёнида участка сайлов комиссияси аъзоларининг вазифалари, сайлов куни участка сайлов комиссияси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Семинар-тренингда тажрибали экспертлар участка сайлов комиссияларида ҳужжат юритиш, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз бериш ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўртасида сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш сингари муҳим вазифалар бўйича тушунчалар берди.



— Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ҳуқуқий билимларимизни янада мустаҳкамладик, — дейди Юнусобод туманидаги 652-участка сайлов комиссияси раиси, 12-умумтаълим мактаби директори Гулнора Эргашева. — Сайлов участкаси замонавий техник воситалар, сайловга оид қонун ҳужжатлари, тегишли қўлланмалар билан таъминланиб, сайловчилар учун барча шароит яратилган. Тиббиёт, она ва бола хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Бугунги кунда сайловчилар сони 2803 нафарни ташкил этади, уларнинг 36 нафари сайловда илк бор иштирок этадиган ёшлар ҳисобланади. Улар сайлов қонунчилиги ва овоз бериш қоидалари билан таништириб борилмоқда.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган семинар-тренинг иштирокчиларини қизиқтирган саволларга эксперт ва мутахассислар томонидан жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Олтин куз" халқаро санъат фестивали доирасида Москва давлат консерваторияси ўқитувчиси, Польшада бўлиб ўтган 19-халқаро дирижёрлар фестивали лауреати Владимир Горбик дирижёрлигида концерт дастури ташкил этилди.

"Олтин куз" фестивали

"ОЛТИН КУЗ"НИНГ ЯНА БИР ТУҲФАСИ

Концертда "Ўзбекистон солистлари" камер оркестри жўрлигида машҳур композитор В.Моцарт асарлари халқаро танловлар лауреатлари Сардор Жумаев (скрипка), Феруза Муҳаммедова (фортепьяно) томонидан маҳорат билан ижро этилди. Концерт бадиий раҳбари – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Анвар Раимжонов.

"Ўзбекистон солистлари" камер оркестри ўз фаолияти давомида ранг-баранг дастурлар яратиб, унинг репертуаридан турли йўналишлардаги мусиқа намуналари жой олган. В.Горбик дирижёрлигида ўтган мазкур концерт дастури ҳам оркестр жамоаси учун катта маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

– Мазкур фестиваль маданият, санъат ва адабиёт воситасида халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди "Ўзбекистон солистлари" камер оркестри солисти Сардор Жумаев. – Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқаси дурдоналари билан яқиндан таништиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фестиваль доирасида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, концерт дастурлари санъат ихлосмандларига ҳақиқий маънода олтин куз туҳфасини инъом этмоқда.

Гўзал САТТОРОВА

Спорт янгиликлари

МУРАББИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси фахрийлар кенгаши ташаббуси билан пойтахтимизда 11 ёшли болалардан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган футбол турнири ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшган мураббий Зокир Қурбонов хотирасига бағишланди.

Тошкент шаҳри, Бухоро, Қўқон ҳамда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан таркиб топган жамоалар ўртасидаги турнир 4 та гуруҳда ташкил этилди.

Мусобақанинг фахрли учинчи ўрини учун кураш Тошкентнинг "Бунёдкор" ҳамда "Бухоро" жамоалари тарбияланувчилари ўртасида кечди. Муросасиз баҳснинг асосий вақтида ғолиб аниқланмади. Пенальтилар сериясида омад пойтахтлик футболчиларга кулиб боқди ва "Бунёдкор" фахрли учинчи ўрин соҳибига айланди.

Мусобақа ғолиблиги учун беллашув Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда Қўқоннинг "Локомотив" командалари ўртасида бўлиб ўтди. Қизиқарли, муросасиз курашлар остида кечган ўйин ёш пахтакорчиларнинг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Якунда "Пахтакор" бош соврин соҳиби бўлган бўлса, ёш қўқонлик футболчилар мусобақанинг бронза медали билан тақдирланишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон шахмат федерациясининг кузги кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

ТЕЗКОР БАҲСДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Рейтинг баллари бериладиган блиц-турнирда 26 нафар кучли шахматчи ғолиблик учун беллашувларда ўз омадини синаб кўрди.

Швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат бўлган мусобақада мағлубиятсиз дона сурган Никита Хорошев биринчи ўринни эгаллади. Тўққиз имкониятдан саккиз ярим очко жамғарган Улуғбек Тиллаев ва Шамсиддин Воҳидов қолган совринли ўринларга лойиқ кўрилди.

Россиянинг Тюмень шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.

ЁШ ПОЛВОНЛАРИМИЗ РОССИЯДА БЕЛЛАШДИ

Ушбу мусобақада мамлакатимиздан 7 вазн тоифасида 18 нафар саралаб олинган ёш полвон иштирок этди.

Қизғин ва муросасиз курашларга бой тарзда кечган беллашувларда эса ҳамюртларимиз ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгаллашди.

Хусусан, 66 килограмм вазнда Муҳриддин Ҳикматов кумуш медални қўлга киритган бўлса, 55 ва 90 килограмм вазн тоифаларида Муҳаммадали Саъдуллаев ва Акром Бўроновлар бронза медали соҳибига айланишди.



ЎзА олган сурат

Россияда ўтказилган профессионал бокс кечасида Ўзбекистон вакили Ферузбек Йўлдошев навбатдаги ажойиб ғалабасини нишонлади.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Профессионал рингдаги саккизинчи жангини ўтказган ҳамюртимиз россиялик боксчи Мусаиб Асадов билан рақобатлашди. Тўрт раунд қилиб белгиланган беллашув Ферузбекнинг яққол устунлигида ўтди.

Учрашувда зарбалар ҳисоб-китоби билан шуғулланган ҳакамларнинг барчаси бир овоздан ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасининг очколар ҳисобидаги ғалабасини эълон қилди. Таъкидлаш жоиз, Ферузбек Йўлдошев фаолиятидаги еттинчи ғалабасини нишонлади.

НАВБАТДАГИ МУСОБАҚАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Москва шаҳрида ташкил этиладиган профессионал бокс мусобақасида ўзбекистонлик маҳоратли бокс устаси Лазизбек Узоқов фаолиятидаги 18-жангини ўтказади.

Ноябрь ойининг 25 санасида бўладиган жангда вакилимизга ўта кучли рақиб — украиналик Арнольд Хегай рўбарў келади. Бу боксчи фаолиятидаги саккиз жангдан еттитасида зафар қучган, олти марта рақибларини нокаут қилган ва бир бор дурангга эришган.

Фаолиятини 2009 йилда бошлаган Лазизбек Узоқов бой тажрибаси эвазига украиналик енгилмас чарм қўлқоп устасини мағлуб этиш имкониятини сақлаб турибди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Хонадонда бузуқ ҳолдаги электр жиҳоз ишлатилса, очиқ ҳолатда қолган электр симларига беҳосдан тегиб кетилса, у ўзининг салбий томонларини намоён этиб, бир сония ичида қайта тикланмайдиган фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ҳозирги кунга келиб, бизнинг маиший турмуш тарзимизга шиддат билан технологик янгиликлар кириб келмоқда. Бизнинг ишимизни енгиллаштиришга, вақтимизни тежашга, қулайликлар яратишга мослаштирилган бу маиший электр жиҳозларни танлашда, уларни тўғри ишлатишда ва сақлашда масъулиятли ва эҳтиёткор бўлиш даркор. Хонадонимиздаги ишлаётган телевизор, магнитофон, чангютгич, дазмолдан одатий бўлмаган бегона товушлар эшитилса ёки уларнинг симлари бирон-бир сабабга кўра шикастланса, розеткалар, ёқиб-ўчириш мосламалари ва уларнинг ҳимоя қатламлари бузилиб электр симлари яроқсиз ҳолга келган бўлса, уларни зудлик билан бартараф этиш учун мутахассисга мурожаат этиш лозим.

Электр жиҳозларни харид қилишдан олдин унинг сифат сертификати билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Розеткаларнинг максимал токига нисбатан ортиқча ток юкламасини юклаш унинг қизишига сабабчи бўлади. Агар розетка ёки ёқиб-ўчириш мосламасининг қизиб кетиш ҳолати вужудга келса, уларни дарҳол ўчириш ва тармоқдан узиш чорасини кўриш зарур.

Ўлкамизга қиш фасли кириб келиши билан хонадонимизга қўшимча электр энергиясини ишлатиш бошланади. Уйингизнинг иситиш тизимида носозликлар мавжуд бўлса электр иситгич жиҳозлари ишга тушиши оқибатида электр кўлами ошади ва бу электр энергияси ҳамда сармоянгизнинг ортиқча сарфланишига олиб келади. Бунинг олдини олиш мақсадида уйингизнинг иситиш тизимини соз ҳолатда ва хонадонлардаги, кириш йўлакларидаги эшик-ромларни куз-қиш мавсумига тайёр ҳолда бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қаерда бўлишингиздан қатъи назар ёдингизда сақланг, электр энергиясидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ҳаётингиз ва осойишталигингизнинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Дониёр АББАСОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Тошкент ш., Шайхонтоҳур судининг 25.06.2014 йилги ҳукми асосида берилган, 21.07.2014 йил №5909/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01H334EA, сариқ рангли, техник носоз "Dogan" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 2 911 143 сўм, 33 тийин.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 22.06.2015 йилги ҳукми асосида берилган, 08.07.2015 йил №27012/11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

2. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01Z352RA, кулранг, техник носоз "ГАЗ-310290" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 9 000 999 сўм, 2 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Автомото-Ҳаваскор Ганга сервис" ШК автоуловларни сақлаш майдони.

ФИБ Учтепа туманлараро судининг 14.04.2015 йилдаги ижро варақасига асосан, 08.06.2015 йил №22169/11-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

3. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, "BMW 318" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 20 841 944 сўм, 26 тийин.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 23.12.2014 йилдаги ҳукми асосида берилган, 15.04.2015 йил №14955/15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

4. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01L749KA, техник носоз, қаймоқ рангли, "Ford Transit" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 14 139 544 сўм, 35 тийин.

5. 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10V031JA, техник носоз, оқ рангли, "ГАЗ-322132" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 8 616 413 сўм, 73 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Авто Плаза Сервис" МЧЖ автоуловларни сақлаш майдони.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 15 декабрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк, Тинчлик филиали, МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.

Гувоҳнома 5477

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани СИБ томонидан 26.10.2011 йилдаги 27423/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1. 2010 й. и.ч.,"Ласетти" д.р. 01 778 TBA. Бошланғич баҳоси – 42 858 000 сўм. 2.1995 й. и.ч.,"Ваз 2107" д.р. 01 392 YAA. Бошланғич баҳоси – 8 096 371 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 14 декабрь кунидаги аукцион савдоси учун 12 декабрь 2016 йил соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (97) 726-18-82

Гувоҳнома 004593

Тошкент шаҳар Олмазор тумани аҳолиси ва тадбиркорлари диққатига!

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Олмазор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 2016 йил 12 ноябрь куни Олмазор тумани фуқаро ва тадбиркорларининг қабулини режалаштирганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари

2016 йил 12 ноябрь соат 10.00 дан 12.00 га қадар

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи

2016 йил 12 ноябрь соат 10.00 дан 12.00 га қадар

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2016 йил 11 ноябрь соат 16.00 га қадар 212-61-87 телефони орқали қабулга ёзилишлари мумкин.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

В.Успенский номидаги РИМАЛ қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида ўқитувчиларни ишга таклиф қилишини эълон қилади:

– Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган мусиқа йўналиши ўқитувчиларини, олий ва биринчи тоифага эга бўлган ва доимий рўйхатда турадиган.

– рус синфларида рус тили ва адабиёти фанидан дарс берадиган, олий ва биринчи тоифали ўқитувчиларни.

– рус ва ўзбек тилини биладиган бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси.

– рус ва ўзбек синфлари учун инглиз тили ўқитувчиси.

Манзил: 100047, Тошкент ш., Тараққиёт кўчаси, 71.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб тураді, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 15-17 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **10 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ